

№ 03-01/380

28.09.2021 й.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий вилояти ҳокими

К.Турсунов

“ ” сентябрь 2021 йил

Вилоят ҳокимлигига ўтказилган йиғилиш БАЁНИ

2021 йил ____ сентябрь

Навоий шаҳри

Раислик қилди: К.Турсунов – Навоий вилояти ҳокими

Иштирок этди: Б.Бобомуродов - вилоят ҳокимининг ўринбосари
М.Базаров – Навоий шаҳар ҳокими
О.Минглиев - Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи
Д.Очилов - Молия бош бошқармаси бошлиғи
А.Турдиев – вилоят ҳокимлиги “ЯБХ” ИК директори
Масалага алоқадор корхона ва ташкилотлар раҳбарлари
(*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

**Мақсадли дастурлардан ташқари қурилиши режалаштирилган
объектларнинг қурилиш-монтаж ишларини ташкил қилиш
чора-тадбирлари тўғрисида.**

(Турсунов, Бобомуродов, Базаров, Минглиев, Очилов, , Турсунов)

Йиғилишда, Навоий шаҳар ҳокимлигининг 2021 йил 12 июлдаги 01-03/769-сонли хати орқали шаҳар ҳудудидаги “Ёшлик” МФЙ биносида қурилиш-таъмирлаш ишларини ташкил қилиш бўйича мурожаат этилганлиги таъкидланди ва бу борада тегишли масъулларнинг ҳисботлари тингланди.

Шу муносабат билан, қайд этилган объектнинг лойиҳа хужжатларини тайёрлаш, танлов савдоларини ўтказиш, қурилиш-таъмирлаш ишларини ташкил қилиш, шу жараёнда сифат талабларини назорат қилиб бориш учун белгиланган тартибда қурилиш ишлари учун буортмачи ва пудрат ташкилотларини тайинлаш лозимлиги қайд этилди.

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилиш иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини атрофлича муҳокама қилиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Навоий шаҳар ҳокими М.Базаров ҳамда масалага алоқадор вилоят корхона ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан билдирилган таклифлар ва бу борада тегишли масъулларнинг берган ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимлиги “ЯБХ” инжинииринг компанияси Навоий шаҳар “Ёшлик” МФЙ биносини реконструкция қилиш ишларига буюртмачи этиб тайинлансан.

3. Вилоят молия бош бошқармаси (Очилов) объектнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш бўйича таклиф киритсан.

4. Вилоят ҳокимлиги “ЯБХ” инжинииринг компанияси (Турдиев), Навоий шаҳар ҳокимлиги (Базаров) белгиланган тартибда:

- қисқа муддатда масалага алоқадор ташкилотлар билан биргаликда талаб этиладиган лойиҳа олди ҳужжатларини расмийлаштириш;

- лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун лойиҳа ташкилотларини аниқлаш, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиши ташкил қилиш;

- қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш учун пудрат ташкилотларини аниқлаш ва ишларни ташкил қилиш;

- белгиланган тартиб асосида аниқланадиган бош пудрат ташкилотлари билан биргаликда объектнинг қурилиш-монтаж ишларини ўз муддатида ҳамда сифатли ниҳоясига етказилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

5. Объектдаги қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифатли олиб борилишини таъминлаш мақсадида куйидагилар:

- лойиҳа ташкилоти - муаллифлик назоратини;

- вилоят “ЯБХ” инжинииринг компанияси - техник назоратни;

- Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси - давлат назоратини ўрнатсин.

6. Ушбу баённома қарорларининг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Бобомуродов, вилоят ҳокимлиги “ЯБХ” ИК директори А.Турдиев ҳамда Навоий шаҳар ҳокими М.Базаров зиммасига юклатилсин.

Баённи расмийлаштириди

Ш.Турсунов